



# **Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик**

# «ИКБОЛ КАМАЛАГИ» ЧОРЛАЙДИ

Бугунги кунда ёшларнинг билим олишлари ёхуд хунар згаллашлари учун имкон қадар шароитлар яратилаяпти. Вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида очилган ўкув курсларида қизлар ўзлари хоҳлаган хунарни ўрганишмокда. Жумладан, Кибрай туманидаги «Иқбол камалаги» ўкув марказига ҳам хунар згаллаш ниятида келаётган қизларнинг кети узилмаяпти.

Наргиза Назарова тиббиёт билим юртини муваффақиятли битириб, 1-тез тиббий ёрдам шифохонасида ўз фаолиятини бошлади. Сўнгра «Кибрай» санаторийсида 13 йил ҳамширалик қилди. Тиббиёт соҳасида ишлаб юрган кезлари ҳали оила қуришга тайёр бўлмай турмушга узатилган қизларнинг эрта фарзандли бўлгач, кўп қийинчиликларни бошидан кечираётганларининг гувоҳи бўлди. Шундан сўнг улар учун ўқув маркази таш-

Такдимот

# ЙИЛ ТАЗМУНИГА МОНАНД ТАНЛОВ

«Экосан» халқаро ташкилоти ҳамда соғлиқни саклаш тизими раҳбарлари, Тошкент тиббиёт академияси талабалари иштирокида ўтган тадбир Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, санитария-гигиена ва экологик билимни тарғиб қилувчи республика кўрик-танловининг такдимотига бағишлианди.

«Экосан» халқаро ташкилоти ҳамда Соғлиқни саклаш вазирлиги ҳамкорлигига давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни саклаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида республика кўрик-танловини эълон қилди. Унда мамлакатимизнинг барча поликлиничалари, қишлоқ врачлик пунктлари, санитар ва юқумли касалликлар шифохоналари «Энг яхши поликлиника», «Энг яхши қишлоқ врачлик пункти», «Энг ибратли участка врачи», «Санитар-гигиеник ва экологик маданияти юқори шифохона», «Йилнинг энг яхши санитар врачи» номинациялари бўйича қатнашадилар. Танлов низомига кўра, поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари, участка врачлари орасида уч босқичда, санитар шифокорлар ва юқумли касалликлар шифохоналари ўртасида эса икки босқичда ўтказилади.

шига йўл қўйилаётгани, соғлом атроф-муҳит тур-касалликларни келтириб қараётганлиги, айрим йларда аҳоли тоза ичим-суви ва канализация тиллари билан ётарли да-када таъминланмаганлиги, лаверса, баъзи ҳудудий фохоналарда экологик даниятнинг талаб дара-сида эмаслиги, уларда оракли шарт-шароитлар атилмаганлиги, тўғри овқаниш, заарли одатлар-н халос бўлиш ва спортлан шуғулланиш қоидала-та масъулиятсизлик билан юраш юқумли ва бошқа ка-ликлар тарқалишига саб бўлаётганлиги ҳақида жискин фикрлар билдирил-

**Мўмин ИБОДОВ,**  
**«Тошкент ҳақиқати»**  
**мухбери.**

# **КЛУБ, МАРКАЗ, КЕНГАШ**

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент давлат шарқшунослик институти бошланғич ташкилоти ташаббуси билан мазкур олий ўкув ютида ташкил этилган «ХАВИ» мунозара клуби, матбуот маркази ҳамда талабалар кенгашиниң тақдимот мөрсими бўйниб йўзи

ожлан-

**Кибрай тумани меңнат  
бўлими ходимлари  
аҳолини ижтимоий  
химоялаш, бу соҳадаги  
қонунчилик ижросини  
таъминлаш бўйича  
муайян ишларни амалга  
оширишадик.**

# **ИШГА ХОЙДАЦЫ**

«Ахолини иш билан таъминлаш» дастури асосида ишсиз сифатида рўйхатга олинган 669 нафар фуқаро-дан 609 нафари ишга жойлаштирилди. Уларнинг 291 нафарини аёллар ташкил қилади. 41 нафар фуқарога мутахассислиги бўйича доимий иш топилмаганлиги туфайли ишсизлик мақоми бериш комиссиясида кўриб чиқилиб, ишсиз деб эътироф этилди. Улардан 8 киши касбга ўқитилган бўлса, жамоат ишларига 15 киши юборилди. 14 нафар кишига ишсизлик нафакаси тайинланди. 5 нафар фуқаро муддатидан аввал нафакага чиқарилди.

Ўз мухбиримиз.

Телебиз

# МУЛОКОТ БЕРГАН САБОК


**Вилоят ички ишлар идоралари турли кўринишдаги хукуқбузарликларга қарши кураш ва уларнинг олдини олиш, халқ осойишталигини, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини саклаш мақсадида вояга етмаган ёшлар орасида кенгайтирилган йиғилишлар ташкил этмоқда.**

ходимлари, институт ўқитувчи ҳамда талабалари иштирок этишиди. Ёшларнинг турли диний экстремистик оқимларга ва гиёҳвандлик иллатларига илашиб қолмасликлари учун профилактик тадбирларга кўпроқ аҳамият берилди. Бугунги кунда гиёҳвандлик домига кириб бораётган инсонларнинг аянчли аҳволи, таввало, таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликларни ўстириш ва етиширишнинг ўзи қонунга хилоф бўлиб, жиноят эканлиги хусусида ҳам ташунчадар берилди.

Талаба ёшлар үзларини қизиқтирган саволларга малакали жавоб олишди.

СОЛОНДЫК СИМПТОМАЛARI

«Тошвилюятгаз»га қарашли «Бекобод-шашаргаз» филиали жамоаси шашардаги 30 та маҳалла билан фойдаланилган газ учун коммунал тўловларни аҳолидан ўз вақтида ундириш бўйича шартнома тузган.



# ШУСЫЗГА КЕРАКМЫДИ?

Хар бир маҳаллага шаҳар газлаштириш идораси ходими биректирилган. Шунинг учун аксарият хонадонлар «зангори олов» ҳақини вақтида тўлашяпти.

Айни вақтда аҳоли тураржий-

Фирма ва тадбиркорлик шахбачалари ҳам газ ҳақини вақтида түламаяпти. Чунончи, январь ойида шаҳардаги «Иссик-лик манбаи» корхонаси қарзи 875 миллион сўм, «Бекободцемент» корхонасиники 485 миллион сўмга борди. Бундан ташқари Халқ банки шахобчаси, туман ветеринария бўлими, «Мирзабаҳром» хусусий корхонаси ва бошқа бир қатор хусусий фирмалар газдан катта микдорда қарздор бўлиб қолганлари сабабли улар газ тармоғидан узиб қўйилди.

— Шаҳар аҳолисини газ билан узлуксиз таъминлаш асосий мақсадимиздир, — дейди «Бекободшаҳаргаз» филиали ди-

ректори Бахтиёр Элқўзиев. — Хозиргача шаҳар бўйича жами 21 минг 500 та хонадоннинг 85 фоизида газ ҳисоблагичлари ўрнатилган. Тез кунларда шаҳар хонадонларини ҳисоблагич билан 100 фоиз таъминлаш режалаштирилган. Аммо, истеъмолчиларимиз газ ҳақини ўз вақтида тўлаб бормасалар, бу режани амалга ошириб бўлмайди. Чунки, сизу биз коммунал тўловларни вақтида тўласак, тушган маблағ бу муҳим соҳани янада ривожлантириш билан бирга ижтимоий муаммоларни ҳам ҳал этишга ёрдам беради. Истеъмолчилар буни унутмасликлари лозим.

**Ашурали БОЙМУРОДОВ.**

учун қўзиқоринларни тайёрлашдан олдин намакоб ва сирка қўшилган сувда 20-30 дақиқа қайнатиш, сўнгра димлаб ёки қовуриб, истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир.

Мутахассисларнинг йўриқномаларига амал қилиш лозим. Кўзиқориндан заҳарланган bemorларни кечиктирмай шифохонага ётқизиш зарур. Ана шундагина кўнгилсиз оқибатнинг олди олинади.

**Гулноза КУЛБОҚОВА.**



